

Тазкия дарслари (154-дарс). Ҳар бир янги чиққан иш бидъатдир



18:14 / 02.10.2021 4976

Имом Шотибий бидъатни икки хил таъриф қилган:

1. Бидъат динда янги ихтиро қилинган йўл бўлиб, у ила шариатга ўхшатиш киритилади. Унга юриш ила Аллоҳга ибодат қилишда муболаға қасд қилинади.

Бу таърифда дин жавҳарига янги ўзгариш киритиш ҳақида, ибодатларда шариат кўрсатган йўлга ўхшаш йўл пайдо қилиш ҳақида сўз бораётгани очиқ-ойдин кўриниб турибди.

2. Бидъат динда янги ихтиро қилинган йўл бўлиб, у ила шариатга ўхшатиш киритилади. Унга юришдан шариат йўлига юриш қасд қилинади.

Имом Шотибийнинг иккинчи таърифи биринчисидан кенг бўлиб, унда ибодат ва одатлардаги янги ихтиро қилинган нарсалар бидъат экани таъкидланган.

Имом Шотибий бидъат масаласини энг кўп баҳс қилган олимлардан ва бидъатга қарши турувчилардан биридир.

Ҳақли равишда «Нима учун имом Шотибий бидъатни икки хил таъриф қилган?» деган савол пайдо бўлади. Бу саволга уламоларимиз: «Имом Шотибий бунда бошқаларнинг бидъат маъносини кенг ёки тор олганига эътибор берган», деб жавоб берганлар.

Имом Шотибийнинг биринчи таърифида «Бидъат фақат ибодатларда бўлади», деганларнинг фикри, иккинчи таърифида эса «Бидъат ибодатларда ҳам, одатларда ҳам бўлади», деганларнинг фикри ўз ифодасини топган.

Имом Шотибийнинг ўзи эса бидъат фақат ақийда ва ибодатларга хос бўлишига мойил бўлган.

Ҳар икки таърифдаги бизга керак бўлган асосий маъно «Бидъат динда янги ихтиро қилинган йўл» деган жумладир.

Демак, мусулмонлар ичида янги пайдо бўлган нарсалар бидъат бўлиши учун у диннинг асосига оид бўлиши шарт экан. Унга ҳам шариатнинг асосий ибодатлари мақоми берилар экан.

Қуйидаги ҳадисларда худди шу маъно кўзда тутилган.

«مَنْ عَدَلَ فِي شَيْءٍ مِنْ عِبَادَتِي فَهُوَ فِي عِبَادَتِي وَإِنْ عَدَلَ فِي شَيْءٍ مِنْ دِينِي فَهُوَ فِي دِينِي».

1. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким бизнинг бу ишимизда ундан бўлмаган нарсани янгитдан пайдо қилса, у мардуддир», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам «ишимиз», деганда, динимизни назарда тутганлар.

هَلَلِ لَيْلٍ صِلِ لَيْلٍ لُؤْسَ رَلِاقٍ لِقَاقٍ هُنَّ هَلَلِ يَضَرَّ هَلَلِ هَلَلِ دَبَّعَ نَبِّ رِبَاجٍ نَع
رُومُ أَلِ رَشَوٍ دَمَّحُمُ يَدَّهِ لَ رِيَّحٍ وَهَلَلِ بَاتِكَ ثِي دَخَلِ رِيَّخٍ نِإْفٍ: **مِلْسُو هِي لِع**
مِلْسُومُو يِرَاحُ بَلِ هَاوَرِ. «رَانِ لِي فِي عَالِضٍ لُكَّو هُوَ عَالِضٍ عَدَبٍ لُكَّو هُوَ عَالِضٍ دُخْمٍ
يَسْئِئِ اسْنِ لِأَوِ»

2. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, энг содиқ калом Аллоҳнинг Китобидир, энг яхши ҳидоят Муҳаммаднинг ҳидоятидир. Ишларнинг энг ёмони янги пайдо бўлганларидир. Ҳар бир бидъат залолатдир. Барча залолат дўзахдадир», дедилар».

Бухорий, Муслим ва Насоий ривоят қилишган.

Ҳадисда «Ҳар бир янги чиққан иш бидъатдир. Ҳар бир бидъат залолатдир. Барча залолат дўзахдадир», дейилмоқда. Агар диннинг асосига дахлдор бўлмаган нарсалар ҳам бидъат бўлганида, ҳолимиз не кечар эди? Бинобарин, мусулмонлар ҳаётида янги пайдо бўлган ва диннинг асосига дахлдор бўлмаган нарсалар бидъат бўлмайди.

Пайғамбаримизнинг ҳаётлик даврларида Қуръони Карим китоб шаклига келтирилмаган, мадрасалар қурилмаган, турли илмлар шаклланмаган, китоблар ёзилмаган эди. Буларнинг барчаси кейин пайдо бўлди ва барча мусулмонлар, жумладан, бидъат маъносини тор олган уламолар ҳам бу ишларни катта қувонч билан маъқулладилар.

Биз бу мақомда «бидъати саййиъа» – «ёмон бидъат» ҳақида сўз юритамиз. Айнан шу турдаги бидъат банда нафсининг кирланишига ва ахлоқининг бузилишига сабаб бўлади.

«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди